ВОДИЙ ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ АСАР

Қ.Насритдинов. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди. 2009.- 224 б.

Халқимиз қадимдан сувни муқаддас билиб, ерни эъзозлаб келади. Чунки Ватанимизнинг табиий географик жойлашуви, қуруқ иқлими суғорма деҳқончиликни ижтимоий тараққиётининг асосий омилларидан бири қилиб қўйган. Шу боис ҳам суғорма деҳқончилик тарихи кўпминг йиллик Ватанимиз, халқимиз тарихининг ажралмас таркиби ҳисобланади. Шу маънода т.ф.н. доцент Қобулжон Насритдиновнинг “Фарғона водийсининг суғорилиши тарихи” (XIX аср иккинчи — XX аср биринчи ярми) номли монографияси қадимдан суғорма деҳқончилик ривожланган водийнинг суғорилиш тарихини миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва водий вилоятлари давлат архивларида сақланаётган илгари илмий истемолга олиб кирилмаган ҳужжатлар, шунингдек, хорижий илмий адабиётлар, мақолалар, ёзма манбалар, этнографик маълумотлар асосида ёритишга бағишланган.

Асарда чор Россияси ва Совет мустамлакачилиги даврларида Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи баён этилган. Муаллиф мавзуни даврлаштириш масаласига алоҳида эътибор берган. Чор Россияси даврида Фарғона водийсининг суғорилиш тарихини икки босқичга ажратган: биринчи босқич — Фарғона водийси забт этилганидан 1886 йилларгача давом этган; иккинчи босқич 1886 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом” ва “Ирригация бошлиқлари, ариқ оқсоқоллари ва миробларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисида кўрсатма”ларнинг қабул қилиниши билан бошланиб, 1917 йилгача давом этганлиги аниқланган. Совет мустамлакачилик давридаги Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи уч босқичга бўлинган. Биринчи босқич 1918-1928 йилларни, иккинчи босқич 1928-1939 йилларни, учинчи босқич 1939-1950 йилларни ўз ичига олганлиги асослаб берилган.

Асарда юқоридаги босқичларда Фарғона водийсининг суғорилиш жараёнида юз берган ўзгаришлар изчил ёритилган. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Фарғона водийсининг сув хўжалиги, ҳукуматнинг ирригация масаласига муносабати, водийни илмий жиҳатдан ўрганиш, суғориш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар тарихи, Совет ҳокимиятининг аграр сиёсати, суғориш иншоотларнинг қурилишида анъанавий ҳашар усули, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Фарғона водийси сув хўжалиги тарихи нодир архив ҳужжатлари асосида очиб берилган.

Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида XIX аср охирида пахтачиликни янада тараққий эттириш вазифалари мавжуд ирригация иншоотларини илмий асосда қайта қуришни талаб этди. Фарғона водийсида бу ишларни амалга оширишда К.Н.Синявский, И.Г.Александров ва бошқа илғор рус ирригаторлари муҳим роль ўйнаганлиги қайд қилинган. Совет даврида, 20-йиллар ўрталарида ирригация ишлари кўламининг кенгайиши бу соҳада илмий тадқиқот ишларига бўлган талабни кескин оттириб юборгани, шу сабабли бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилганлиги кўрсатилган.

Чор Россияси ва Советлар даврида Фарғона водийсининг қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларга асосан пахта экилгани, пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши ва шу билан боғлиқ ҳолда пахта экин майдонларининг кенгайиши натижасида хонлик даврида бутун аҳолисини дон билан таъминлаб, ҳатто экспорт қила олган ҳудуд Россиядан келтириладиган ғаллага қарам бўлиб қолганлиги асосли равишда ёритиб берилган.

Монографиянинг асосий ютуқларидан бири унда Фарғона водийсида суғорма деҳқончиликка асос солиниши, унинг ривожланиш босқичлари, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати эвазига бунёд этилган суғориш иншоотларининг қурилиш тарихи хронологик изчиллик билан баён этилган.

Шубҳасиз, Қ.М.Насритдиновнинг ушбу монографияси халқимиз тарихини ўрганиш бўйича илмий-изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга ҳам, ватанимиз тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига ҳам фойдали бўлиб, водий суғорма деҳқончилигининг тарихий тараққиёти ҳақида илмий асосланган ва атрофлича тўлиқ тасаввур бериши билан катта аҳамиятга эгадир.

И.А.Алимов,
тарих фанлари доктори, профессор
Х.Ибрагимов,
тарих фанлари номзоди, доцент